



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 9 август, № 162 (9057)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ЁНДАШУВ ВА ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охирги етти йилда қабул 4,5 баробар ошиб, ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизими реал эҳтиёгча мос эмас.

Мисол учун, Жиззахдаги “BYD” заводида 100 та вакант бор. Шунинг тўртдан бири — робототехника ва бўёқлаш, роботларни дастурлаш муҳандислари. Завод тўлиқ қувватга ўтса, малакали кадрларга талаб янада ортади.

Олий таълимда ўқитилаётган кадрлар билан иш бевуричлар талаби ўртасида фарқ катта. Оқибатда корхоналар четдан тайёр мутахассис жалб қилишга мажбур бўляпти. Хар бир талабани олийгоҳда ўқитиб, мутахассис қилиб тайёрлаш учун давлат йилгига 25 — 30 миллион сўм сарфляпти. Лекин тўрт йил умрини сарфлаб, диплом олган ёшларнинг яримдан кўпи оддий-оддий ишларда банд.

Сўнгги йилларда 40 та олий ўқув юртига молиявий мустақиллик берилгани самарасида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, хорижий тиллар ва педагогика йўналишидаги муассасаларнинг ўз маблагини пайдо бўлди. Лекин кишлоқ ҳўжалиги, ветеринария, муҳандислик, аниқ ва табиий фанлар йўналишлари ёшлар учун жозибador эмас.

Тармоқлар билан боғлиқликни ошириш мақсадида 25 та муҳандислик билим юрти ҳамкор корхоналарда 438 та кафедра очди. Масалан, нефть-газ тармоғи таълим-ишлаб чиқариш кластерларини ташкил қилган.

Шундай амалиёт натижасида Бухоро техника университетининг 2 мингдан зиёд битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Илмий тадқиқотни тижоратлаштириш 10 карра ошган.

Яқин йилларда мамлакатимизда 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар ишга тушиши режалаштирилган. Уларнинг ҳисобига саноатнинг ўзида 500 мингга яқин мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Масалан, Бухоро вилоятида йирик газ-кимё мажмуаси қурилмоқда. Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Устойтқа катта лойиҳалар бошланмоқда.

Буларнинг барчаси олий таълимни соҳалар талаби даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ёшлар бандлиги қамровини жадал оширишни талаб этади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борадаги янги ташаббусларни маълум қилди.

Энди қиймати 1 миллион доллардан, ишчилар сони 500 тадан кўп бўлган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосида соҳалар ва йўналишлар кесимида мутахассисларга эҳтиёж кўрсатилади. Бу орқали масъул ва зир ва тармоқ раҳбари олий ўқув юртига буюртма жойлаштириб, кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўяди.

Бунда ректорлар буюртма асосида ўқийётган талабалар учун асосий фанлардан ташқари, қўшимча таълим модулларини жорий қилади. Уларни ўқиган талабаларга кредит баллари берилади.

Талабаларнинг билими иккинчи курсдан кейин уларни ишга олмоқчи бўлган инвесторлар иштирокида йиллик баҳоланади. Битирувчи диплом ишини лойиҳада қўйилган масалалардан келиб чиқиб ҳимоя қилади. Бир сўз билан айтганда, инвестор талабига мос битирувчилар қафолатли ишга олинадиган бўлади.

Меҳнат муносабатларида хусусий сектор учун манфаатли тизим яратилмоқда. Энди битирувчини ишга олганлик учун тадбиркорлик рейтингига қўшимча балл берилади. Олий таълим муассасаси уларни бўш ўрин бор корхонага йўналтиради.

Йиғилишда ректорлар ваколати ва масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда Янги Ўзбекистон университетининг баҳолаш тизими бошқа муассасаларда ҳам йўлга қўйилиши белгиланди.

Бунда олий ўқув юртига битирувчилар бандлигига қараб 40 балл, илмий тадқиқотлар учун тармоқ буюртмаси ва махсулотини сотишга қараб 30 балл, илмий салоҳияти ва тан олинган халқаро журналлардаги мақолалари учун 20 балл, жалб қилинган маҳаллий ва хорижий грант учун 10 баллгача берилади. Ушбу балларга қараб, молиялаштириш тизими жорий қилинади.

Янги Ўзбекистон университетиде “Ректорлар мактаби” дастури орқали ректор ва проректорликка номзодлар мақсадли тайёрланади.

Энди барча олий ўқув юртлари ташкилий ва академик мустақил

бўлади. Жумладан, ректорлар ўрин-босарларини ўзи тайинлайди, белгиланган миқдор доирасида профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларини тақсимлайди. Шунингдек, ректорларга “супер контракт” миқдорини табақалашган ҳолда белгилаш ваколати берилади.

Мутасаддиларга ушбу янгиликларни адолатли ва тизимли йўлга қўйиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди.

Маълумки, ҳужжат топширишда абитуриентлар 5 тагача олий ўқув юртини танлаяпти. Бу ёшлар учун жуда катта имконият бўлди.

Энди бу янада кенгайтирилади. Абитуриентлар танловидан бирортасига қиролмаган бўлса, лекин бали бошқа олийгоҳдаги тўлмаган йўналишга тўғри келса, уларни шартнома асосида қабул қилиши мумкин бўлади.

Йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, бу йилги 92 миң битирувчининг кейинги фаолиятида кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланди.

Қайд этилганидек, улардан 20 миң нафари магистратура ва иккинчи мутахассислик билан қамраб олинди. Яна 20 миңги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги орқали стаж талаб қилмайдиган ишларга жойлаштирилади.

Хар бир вилоятда “бизнес инкубаторлар” ташкил қилиб, тадбиркорлик, маркетинг, дизайн, ахборот

технологиялари соҳаларида 10 миң битирувчининг банд қилиш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, кимё, энергетика, геология, автосаноат, металлургия, тўқимачилик, электротехника, қурилиш, транспорт, логистика каби иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ёшларни иш билан таъминлаш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Тижорат банклари орқали 20 миң битирувчининг бизнес бошлашига кўмаклашиш режалаштирилган. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун Миллий банк ва Алоқа банкка бу йил 300 миллион доллар ажратилган.

Банклар мазкур имтиёзли кредит ресурсининг бир қисмини битирувчиларни ишга олган корхоналарга ҳам бериш ташаббусини билдирди. Энди бундай тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит берилади. Ушбу янги тизим нафақат бу йилги, балки ўқини тугатганига 3 йил бўлмаган битирувчилар учун ҳам татбиқ қилинади.

Уюшмаган ёшларни алоҳида меҳр-эътиборга олиб, фойдала машғулотларга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди. Уларни касб ва тил ўрганиш тўғрақлари, спорт мусобақалари, харбий-ватанпарварлик тадбирларига жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ректорлар ва тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

ЎЗА.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ РЕЖАЛАРИ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Пойтахтимизда аҳоли сони ҳам, бунёдкорлик қўлами ҳам ошиб бормоқда. Бир йил ичида 12 миңга янги қувват, савдо ва сервис мажмуалари ишга тушди. Одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, маиший техникалардан фойдаланиш кўпайяпти.

Буларнинг барчаси энергияга талабни оширади. Шунга ҳисобга олиб охирги икки йилда Тошкентда электр таъминотини яхшилаш учун 2 триллион 800 миллиард сўм йўналтирилган. 36 та подстанция, 665 та трансформатор, 2 миң километрдан зиёд тармоқ янгиланган.

Лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. 46 та подстанция ва 207 та трансформатор ортиқча юклама билан ишлаяпти. Йил бошидан бери пойтахтимизда электр истеъмолчилари яна 40 миңгага кўпайган, талаб 6 фоиз ўсган.

Шу билан бирга, илгари ёздаги ҳазирама кунлар давомийлиги бир ҳафтадан ошмаган бўлса, бу йил 20 кунгача чўзилган. Оқибатда июль ойида Тошкент шаҳрида истеъмол миқдори 900 миллион киловатт-соатдан ошган.

Бу омиллар модернизация жараёнларини изчил давом эттиришни талаб қилади. Тақдиротда энергетика вазири пойтахтимиздаги хар бир туман ва маҳаллалар кесимида режаларни баён қилди.

Унга қўра бу йил биринчи босқичда 374 километр тармоқ, 11 та подстанция, 62 та трансформаторни янгилаш кўзда тутилган. Келаси йил яна 788 километр тармоқ, 35 та подстанция

ва 145 та трансформатор модернизация қилинади. Жумладан, маҳаллалардаги трансформатор ва тармоқлар таъмирланиб, янгилари ўрнатилади.

Президентимиз куз-қиш мавсумига оз фурсат қолганига эътибор қаратиб, бу йилги режани 1 ноябргача якунлаш зарурлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда барча ҳудудларда генерация кўпайтириб борилмоқда. Шу билан бирга, саноат корхоналарини муқобил энергия тизимига ўтказиш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, 2027 йилгача йирик корхоналар ва туризм масканларида 752 мегаваттлик куёш станцияси ҳамда 812 мегаваттлик саклаш қувватларини ташкил этиш режалаштирилган.

Мутасаддилар атом энергетикаси йўналишидаги ишлар ҳақида ҳам ахборот берди.

Маълумки, юртимизда кичик қувватли атом электр станцияси қуриш бўйича иш олиб борилмоқда. Бўлажак станциянинг хар бир босқичи — лойиҳалаштиришдан то биттунга қадар Халқаро атом энергияси агентлигининг қатъий назорати остида бўлади, энг илғор хавфсизлик талаблари татбиқ этилади.

Президентимиз режадаги ишнотларни сифат ва мундатга амал қилган ҳолда ишга тушириб, барқарор энергия қувватларини яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Вазирлар Маҳкамасига энергия самарадорлигини ошириш масаласини хар ҳафта муҳокама қилиб бориш топширилди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли қурувчилар, муҳандис ва мутахассислар, соҳа фахрийлари!

Аввало, сиз, азизларни бугунги кутлуғ касб байрамингиз билан самимий табриклаб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изхор этаман.

Сизлар каби миңг-миңлаб моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва мезморлар, лойиҳачи ва мутахассисларнинг машаққатли меҳнати билан Янги Ўзбекистоннинг янги, обод ва кўркам қиёфаси шаклланмоқда, халқимизнинг ҳаёти тобора фаровон бўлиб бормоқда. Бунинг учун барчангизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Кейинги йилларда қурилиш индустрияси ривожини янги босқичга кўтарилиб, ушбу соҳа миллий иқтисодиётимизнинг драйверларидан бирига айланди. Сўнгги саккиз йил давомида қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан 2024 йилда қарийб 234 триллион сўмга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўтган йили юртимизда жами 40 миллион 500 миң квадрат метр бино ва иншоот қурилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 45 миллион квадрат метрдан ошиши кутилмоқда.

Халқимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2024 йили 100 миңдан зиёд хонадонга эга бўлган 2 миң 44 та кўп қаватли уй барпо этилди. Бугунги кунда аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой ҳажми 2020 йилдаги 16 квадрат метрдан 19 квадрат метрга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эътиборлиси, бу борадаги ишлар изчил

давом эттирилиб, 56 та ҳудуддаги “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилда халқимиз иҳтиёрига 135 миңга хонадон топширилади. 2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиш мақсад қилинган, бу эса 250 миңга хонадон дегани.

Дунёнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликда “Янги Тошкент” лойиҳаси доирасида 20 миң гектар майдонда 2 миллион аҳоли учун қулай инфратузилма яратилмоқда.

Айни вақтда Янги Тошкент шаҳри қурилишининг биринчи босқичида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Янги Ўзбекистон университети, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, музейи, иштирослаштирилган мактаб ва маком маркази, Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети каби йирик бино ва иншоотлар қад ростламоқда.

Буларнинг барчаси қўлгул бунёдкорларимиз қандай улкан марраларга эришаётганини аққол намоён этади.

Қадрли дўстлар!

Бошқа соҳалар қатори қурилиш тармоғида ҳам давр талаби асосида рақамлаштириш жараёни жадал ривожланмоқда. Соҳада 30 дан ортиқ ахборот тизими жорий қилинди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида 22 та давлат хизмати рақамлаштирилгани натижасида ортиқча қозғозбозлик ва оворгарчиликларга чек қўйилди. Тендер платформаси жорий этилиши туфайли инсон омилининг аралашувиға барҳам бе-

рилди, шаффоқлик, очиқ рақобат муҳити шакллантирилди.

Уй-жой қурилишида улушдор сифатида иштирок этадиган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида “Эскоро” тизими татбиқ этилмоқда. Шу асосда ишончли девелоперлар бозори шакллантирилади.

Бугунги кунда шаҳарсозлик соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Эндиликда бош режалар мутлақо янги мазмун ва қўринишда ишлаб чиқилиб, геоахборот тизимига жойлаштириш учун рақамлаштирилмоқда. Хусусан, 2024 йилда 146 та шаҳарсозлик ҳужжатлари рақамлаштирилди. 2025 йилда ушбу кўрсаткич 180 тага етказилади.

Қурилиш ресурслари миллий классификатори яратилиб, нархларни шакллантириш ва объектлар смета қийматини аниқлаш ҳам электрон тизимга ўтказилимоқда.

Қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик фикрини инобатга олиш, назорат жараёнида иштирокини таъминлаш ҳамда қурилиш сифатини яхшилаш мақсадида назорат механизмлари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу борада назорат фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, объектларда ишларнинг боришини кунлик назорат қилиб бориш ҳамда реал вақт режимида кузатиш имконини яратган ҳолда камчиликларни ўз вақтида бартираф этиш соҳа вакиллари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Аминманки, сизлар бугунги замоннинг ўзи олдимизга қўяётган ана шундай муҳим

талабларни чуқур англаб, юксак натижадорлик билан меҳнат қиласизлар. Заҳматкаш қурувчиларимизнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаш, уларни муносиб рағбатлантириш масалалари бундан бўён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Хар бир қурилган бино — бу бизнинг келажак авлодларга қолдирадиган буюк меросимиз, хар бир кўча ва шаҳарчанинг қўринишида сизларнинг қўл изингиз борлигини, инсонлар бахти ва қувончи айнан сизларнинг меҳнатингиз билан боғлиқлигини ҳеч қачон унутманг.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда олдимизда замонавий шаҳарлар, қулай тураржой массивлари, инсонларга шодлик бахш этувчи бетакорор иморатлар қуриш каби улкан вазифалар турибди ва бунга амалга оширишда биз сиздек — мўъжизакор, моҳир ва заҳматкаш қурувчиларимизга ишонамиз ҳамда суняамиз!

Хурматли қурувчилар! Сизларни — мамлакатимизни хар томонлама гўзал ва бетакорор диёрга айлантиришдек шарафли ишга сидқидилдан ҳисса қўшиб келаяётган барча юртдошларимизни бугунги байрам билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

Эл-юртимиз равангчи ва фаровонлиги йўлида сиз, азизларга янги ютуқ ва омадлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Шу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди.

Факт ва рақамлар

Жумладан, ўтган йили 100 миң хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилган бўлса, бу йил янада кўп — 130 миңдан ортиқ хонадонлар режа қилинган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига қўра 2025 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида 137,6 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.



Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2 баробар ошган.

Қурилиш ишлари ҳажми таркибида:

- кичик корхона ва микрофирмалар — 52,1 фоиз;
- йирик қурилиш ташкилотлари — 22,4 фоиз;
- норасмий сектор — 25,5 фоиз.

Сенат кўмитасида

МАҚСАД – ФУҚАРОЛАРНИНГ АДОЛАТЛИ СУДГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ КУЧАЙТИРИШ



Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг мажлисида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди.

Хусусан, дастлаб “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ислохотлар жараёнида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, суд ҳужжатлари ижросида ҳар қандай бўйинтовларнинг олдини олиш, фуқароларнинг мол-мулк ҳамда пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш зарурати юзга келмоқда.

Қонун билан ижро ҳужжатлари асосида аукцион савдоларида сотилмаган мол-мулклар ундирувчиға натура шаклда ўтказилаётганда рўйхатдан ўтказувчи идоралар томонидан қўйилган барча тақиқлар давлат ижросисининг қарори асосида бекор қилиниши белгиланмоқда. Бунда давлат ижросисининг қарори мол-мулкларни тақиқларсиз давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиши кўрсатилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонунни ишлаб чиқишда бир қатор илгор давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилган ва инобатга олинган. У кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга, мол-мулкка нисбатан қўйилган таъминловчи чоралар давлат ижросисининг қарорлари асосида бекор қилинишига, кредит ташкилотларининг муаммолари активлар улушини камайтиришга ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг самарали ҳимоясига хизмат қилади.

Шундан сўнг мажлис иштирокчилари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

қиритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамасига киришди.

Қайд этилишича, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг адолатли судга бўлган ишончини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар қабул қилинган. Мазкур чора-тадбирлар ижроси доирасида ушбу қонун ишлаб чиқилди.

Унга кўра Жиноят кодексига суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чораларини аниқлаштирувчи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса суд биносида тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилловчи, шунингдек, Иқтисодий процессуал ва Солиқ кодекслариға солиқ органи иш-тироқидаги солиққа оид низолар маъмурий судлар томонидан кўрилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимча киритилаётганлиги айтиб ўтилди.

Айниқса, “Инсон қадрини учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга эришиш хамиша устувор вазифадир. Шу мақсадда судга ҳурматсизлик ҳолларининг олдини олишга қаратилган самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш, судларда кўриладиган ишлар бўйича оворагарчиликларнинг олдини олиш, ортиқча ва бюрократик тартиб-таомиллардан воз кечиш орқали тадбиркорлик фаолиятининг тартибга солинишини соддалаштириш муҳим эканлиги сенаторлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот кўмитаси раиси ўринбосари Ли Сун Чжин бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Суҳбат чоғида соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш, инновацион технологияларни тиббиёт амали-

ётига жорий этиш, шунингдек, қўшма таълим ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якуни бўйича фаол мулоқотни давом эттириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган қўшма дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

СУВ КОДЕКСИ:

МУҲИМ НОРМАЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

Бугун дунёда экологик вазият мураккаб. Табиий офатлар ва қургўқчилик кўпайиб бормоқда. Бу аграр соҳада ҳам илмий, ҳам ҳуқуқий ислохотларни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли сони жадал ўсяпти. Иқтисодиёт тармоқлари кенгаймоқда. Сувга талаб эса йилдан-йилга ортиб борапти. Мана шундай вазиятда иккита жуда муҳим зарурат вужудга келди. Биринчиси — сувдан фойдаланишдаги янги тартибларни жорий қилиш. Иккинчиси — сувни тежаш.

Шарҳ

Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси айнан мана шу заруратдан келиб чиқиб тайёрланди. Мазкур кодекс “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та Фармони ва 14 та қарори ҳамда Ҳукуматнинг 26 та қароридидаги нормаларни бирлаштирди. Натижада тизимлашган яхлит кодекс яратилди.

Сув кодексининг асосий вазифалари сифатида аҳолини, иқтисодиёт тармоқларини ва экологик тизимларни сув билан барқарор таъминлаш, иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда сувларни оқилона бошқариш, уни булғаланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан муҳофаза этиш, зарарли таъсирларнинг олдини олиш, сувга доир муносабатлар йўналишида иқтисодий механизмларни, жумладан, давлат-хусусий шериклики ри-

вожлантириш, барчанинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда соҳада давлатлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари белгилаб қўйилгани эътиборга молик.

Шунингдек, соҳанинг ўзига хослиги ва мураккаблигидан келиб чиқиб, кодекснинг тўғридан-тўғри ишлатилиш таъминлашда ҳар бир нормани тўғри талқин этиш мақсадида 34 та асосий тушунча орқали ҳужжатда қўлланилган ҳар бир атамага алоҳида таъриф бериб ўтилгани ушбу фаолият билан шугулланувчилар учун қулайликлар яратди.

Қайд этиш ўринлики, бугунги кунда мамлакатда қиймати 6,4 трлн. сўмлик 463 та сув ҳўжалиги объекти хусусий сектор бошқарувиға берилган ва ушбу лойиҳалар доирасида 110 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, 90 га яқин насос агрегатлари аниқланган. Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, умумий лойиҳа қиймати 10 трлн. сўмлик яна

500 та сув ҳўжалиги объекти хусусий сектор бошқарувиға берилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, кодексда сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш шартлари кўрсатиб ўтилди. Сув ҳўжалиги объектиларини хусусий секторға ўтказиш механизмининг ҳуқуқий асоси белгилаб, унга мувофиқ тадбиркорлар ўзига тегишли ҳудудларда сув объектини мустақил бокшаради ва уларни модернизациялаш орқали сув сарфини иқтисод қилиш чораларини кўришга туртки беради.

Яна бир муҳим норма, кодексда сувдан фойдаланиш учун рўхсатнома бериш шартлари соддалаштирилди. Яъни сунъий сув ҳавзаларидан сув олишда бир суткада 5 кубометрдан кўп бўлмаган ҳолларда рўхсатнома олиш зарурати энди мавжуд эмас. Мазкур норма қарийб 110 минг нафар, яъни 80 фойздан ортиқ сувдан фойдаланувчилар учун сувдан фойдаланиш тартибини соддалаштиради. Бундан ташқари, экстремал сув танқислиги ва қургўқчилик тушунчалари ҳамда суғориш сувини истеъмолчилар орасида тақсимлашнинг янги механизмлари белгиланди. Эндиликда сув ҳажми 50 фойздан кам бўлганда сувдан фойдаланиш бўйича янги устуворликлар жорий қилинади ва ҳар бир манбаи кесимида сув олиш лимитлари ҳамда ҳар бир истеъмолчи кесимида сув

олиш квоталари белгиланади. Бунда истеъмолчи ўзига ажратилган квотадан тежаб қолинган сувни бошқа истеъмолчиға шартнома асосида бериши ёки сотиши мумкин бўлади. Бу эса барча сув истеъмолчиларининг сувга тенг ҳуқуқини таъминлаб, сувдан самарали фойдаланишга ундайди.

Кодексда сувдан фойдаланишнинг устувор йўналишлари сифатида ичимлик ва ҳўжалик-маиший эҳтиёжлари, шунингдек, аҳолининг давоиланиш эҳтиёжлари, санитария ва экологик мақсадлар, саноат, энергетика ва хизматлар соҳаси, қишлоқ ҳўжалиги, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик, шахсий томоқра ер участкалари, бунда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган майдонларни сув билан таъминлаш устуворлиги белгиланди. Шу билан бирга, ижтимоий аҳамияти ва заруратидан келиб чиқиб, гидроэнергетиканинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш қишлоқ ҳўжалигини сув ресурслари билан таъминлаш даражасига тенглаштирилди.

Мазкур устувор йўналишлардан қўриш мумкинлики, бунда биринчи навбатда, инсоннинг ичимлик сувға бўлган ҳаётий эҳтиёжлари ҳамда экотизимини сақлаш учун кафолатли сув ажратилиши кўзда тутилган. Бу эса мамлакатимиздаги “Инсон қадрини” таъминлайдиган ҳамонҳандир. Ҳўжат билан сув бошқарувини тақомиллаштириш йўналишида ҳам бир қатор

муҳим нормалар белгиланди. Хусусан, энди сув ресурсларини бошқаришда шаффофлиқни таъминлаш ва манфаатдор тарафлар вакилларини жалб этган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида республика ва ҳавзалар, зарур ҳолларда эса ҳудудлар даражасида коллегиял-маслаҳат органи шаклидаги сув кенгашлари ташкил этилади.

Республика кенгаши таркибиға сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли вазириллар ва идораларнинг раҳбарлари киради. Шу билан бирга, республика сув кенгашининг таркибиға нодавлат ташкилотлар вакиллари, айрим экспертлар ва олимлар ҳам киритилиши мумкин. Кенгаш идоралараро даражада иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлашға доир масалаларни тезкор ҳал қилади.

Кодексда сув объектиларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳилбўйи минтақалари, ичимлик ва ҳўжалик-маиший сув таъминоти иншоотларининг санитария муҳофазаси зоналари алоҳида жадал қўрилишида берилди. Бу сув ҳўжалиги вакилларининг ҳам сув ва сув объектиларидан фойдаланувчиларнинг ҳўжат билан ишладда нормаларни тўғри талқин этишиға хизмат қилади.

Мазкур ҳўжатнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда сувдан ва сув объектиларидан оқилона фойдаланишида,

уларни муҳофаза қилишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришға қаратилган алоҳида бокда нормалар белгиланган. Ҳўжатда сув ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, янги сув ҳўжалиги иншоотлари ва тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун молиявий ресурслар давлат томонидан ажратилиши кўрсатилди.

Кодексда сув етказиб бериш ва бошқа сув ҳўжалиги хизматлари учун тўловларнинг базавий ставкалари сув тежашни рағбатлантириш ва тарифларни етказиб берилган сув ҳажмларига боғлаш, гидрографик зонадаги сувлилик даражаси, турли ҳудудлардаги сувдан фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш ҳаражатларидаги тафовутлар ва битта ҳудуд доирасидаги сувдан фойдаланувчилар учун тарифларни тенглаштириш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сисёатининг устувор йўналишларини ҳисобға олинган ҳолда тасдиқлашни кўрсатиб ўтилди. Бу эса мамлакатда сувдан фойдаланишда ижтимоий адолатни таъминлаб, етказиб берилган сув учун ҳисоб юритилиши ва сувни иқтисод қилганлар рағбатлантирилишининг ҳуқуқий кафолатидир.

Равайн МАМУТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУЧЛИ ҲУҚУҚИЙ АСОС ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУР ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Шу йил 29 июль куни Президентимиз ҳузурида маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган тақдимотдан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг Чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унда палатанинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги муҳим ва устувор вазифалари белгилаб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари мазкур ҳужжат, шунингдек, коррупцияга қарши курашишға оид бир қатор қонун лойиҳалари бўйича ўз нуқтаи назарларини билдирди.

Фракциялар нуқтаи назари

Давлат харидларида очиклик ва шаффофлик

Ақтам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:

— Коррупцияга қарши курашиш — умумий мақсадимиз. Айниқса, давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида тасдиқланган Қонунчилик палатасининг Чора-тадбирлар режаси дастурий мақсадларимиз билан ҳамоханг. Хусусан, таклиф этилаётган “Давлат харидлари соҳасида қонунчиликни тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси бу борада янги тартиб-таомиллар ва шарт-шароитларни яратмоқда.

Ҳўжат давлат харидларида тўғридан-тўғри рақобатсиз савдоларға чек қўйишға қаратилган. У билан амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунға бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, давлат буюртмачилари учун индивидуал тарзда давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқини берувчи нормалар қисқартирилмоқда.

Ваколатли давлат органи томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилган ёки шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда айбдор шахсларға нисбатан қўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни давлат ха-

ридлари бўйича махсус ахборот порталиға мажбурий равишда жоилаштириб бориш кўзда тутиляпти.

“Рақобат тўғрисида”ги Қонунға киритилаётган ўзгартириш эса монопол ҳаракатларни чеклайди. Яъни унда давлат харидлари соҳасида ягона етказиб берувчи сифатида белгиланган субъектларнинг мазкур харидларда рақобатта зид хатти-ҳаракатларининг олдини олиш бўйича мониторинг юритишига оид норма киритилмоқда.

Ҳар икки ҳўжатға киритилиши таклиф этилаётган нормалар коррупцияға қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди.

Қилмиш учун жазо муқаррар

Улугбек ИНОЯТОВ, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Маиший коррупция — аҳолининг кайфиятиға салбий таъсир қиладиган иллат. Кузатадиган бўлсак, кейинги пайтларда бундай ҳолатлар, асосан, ҳар куни одамларнинг иши тушадиган ҳокимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида учрамоқда. Шундай экан, коррупциянинг айнан шу кўренишиға қарши курашишда самарали ва таъсирчан ечимлар зарур.

“Коррупцияға қарши курашиш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айни шундай ҳуқуқий ечимлардан биридир.

Ҳўжат билан “коррупцияға оид жиноятлар” турларига аниқлик киритилиб, унга мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож этиш, хизмат мавкейдан фойдаланиб, фирибгарлик қилиш, гаразғўйлик мақсадида содир этил-

ган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четға чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш (бериш, воситачилик), жиноий феолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш белгиларига эга 17 турдаги жиноятларни ушбу туркумға киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, коррупцияға оид жиноятлар учун жазо чоралари янада кучайтириляпти. Хусусан, Жиноят кодексига ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож этиш ёки фирибгарлик жиноятларини мансаб мавкеини суиистеъмол қилиш ёки хизмат мавкейдан фойдаланиб содир этиш қилмишлари тегишли модданинг оғирроқ қисми билан малакаланиб, мазкур қилмишлар учун озолиқдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилмоқда.

Коррупциянинг нақадар катта ижтимоий ҳавф эканлиги чуқур таҳлил қилинган ҳолда айнан мана шундай чораларни қўриш зарурати туғилмоқда.

Миллий маърузани тақдим этишнинг аниқ муддати белгиланмоқда

Абдушукор ҲАМЗАЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Давлат раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифалар асосида Қонунчилик палатаси Кенгашида қўриб чиқилиб, тасдиқланган Чора-тадбирлар режаси фракциямиз нуқтаи назари билан уйғун. Зеро, қонунларда коррупциянинг омилларға йўл қўядиган ҳар қандай бўшлиқларни бартараф этиш, адолатсизлик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган нормаларни аниқлаш ҳамда уларни тақомиллаштириш кучли ижтимоий заруратдир. Шу мақсадда фракциямиз йиғи-

лишларида доимий равишда қонун лойиҳаларида коррупцияға қарши курашишни акс эттирадиган нормаларни таклиф қилляпмиз.

Маълумки, Президентимизнинг тегишли Фармониға мувофиқ Коррупцияға қарши курашиш агентлиги ҳар йили оммавий ахборот воситаларини орқали эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияға қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлаши ҳамда уни қўриб чиқиш учун Президент ва Олий Мажлис палаталарига киритиши белгиланган.

Амалдаги қонунчиликда миллий маърузани Олий Мажлис палаталари-

ға киритишнинг аниқ муддати белгиланмаган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан бир нечта қонунларға қўшимчалар киритилиб, агентлик томонидан ҳар йили тайёрланадиган миллий маърузани навбатдаги йилнинг 1 апрелидан кенчиктирмасдан Олий Мажлис палаталарига тақдим қилиш назарда тутиляпти.

Бу, энг аввало, долзарб муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишиға имконият яратади, коррупцияға қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди.

«Халқ сўзи».

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ ЎРТАСИДАГИ УЗВИЙ БОҒЛИҚЛИК

Бугун олий таълимдаги ҳар бир янгиланиш университетлар ичидаги янгиланган эмас, бу — мамлакат келажагини белгилайдиган, фаровон ҳаётга йўл очадиган жараён. Ҳар бир давлатнинг кучи энди фақат табиий бойликларида эмас, балки малакали ва янгича фикрлайдиган ёшлари қўлида экани барчага аён. Шу нуқтаи назардан, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича устувор вазифаларга мос кадрлар тайёрлаш мақсадида сўнгги йилларда ўрта махсус ва олий таълим тизимида кескин бўрилиш юз берди — хорижий олийгоҳлар филиаллари, халқаро университетлар очилди, стандартларга мослаштирилди, кредит-модуль тизими жорий этилди, академик эркинлик кенгайтирилди. Энг муҳими, талабаларга эркин фикр юритиш ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини беришга эътибор кучайди.

Таъбир жоизки, эндиликда бу ислохотлардан ҳам юксакроқ — давлат ва жамият ривож, миллий инсон капиталини шакллантиришда истиқбол учун жуда муҳим босқич бошланмоқда. 8 август куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда қамраб олинган масалалар фикримиз далилидир. Мажлисда олий таълим тизимида самарадорликни ошириш, ректорларнинг ваколат ва масъулиятини кенгайтириш, шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштиришнинг манзилли механизmlарини жорий этиш каби долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилиш давомида соҳада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари чуқур танқидий таҳлил қилиниб, таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтиришга қаратилган аниқ механизмлар белгиланди.

Қамров кенгайди, аммо...

Охириги етти йилда олий таълимга қабул сони 4,5 баробар ошиб, қамров 42 фоизга етди. Бирок тайёрланаётган мутахассислар реал меҳнат бозоридagi эҳтиёжларга тўлиқ мос келмаяпти. Масалан, йилига 20 минг автомобиль ишлаб чиқараётган “BYD” заводидан 100 та бўш иш ўрни мавжуд. Шундан чорак қисми — **робототехника, бўёқлаш ва роботларни дастурлаш** бўйича муҳандислар. Кадр етишмаслиги боис завод хориждан 80 нафар мутахассис жалб этган. Яқин йилларда корхона тўлиқ қувватга ўтиб, йилига 500 минг автомобиль ишлаб

чиқара бошлаганда, **4 минг олий малакали кадр** зарур бўлади. Давлат раҳбарининг қайд этишича, бу — фақат битта лойиҳа бўйича ҳисоб-китоб. Яқин 3-4 йилда ишга тушадиган 83 млрд. долларлик йирик лойиҳалар ҳисоби-га фақат саноат тармоғининг ўзида қарийб **500 минг нафар**

Акс садо

малакали мутахассис талаб қилинади.

Молиявий мустақиллик — муваффақиятлар гарови

Ҳозирда 40 та олийгоҳга молиявий мустақиллик берилган ва бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, хорижий тиллар ва педагогика йўналишларидаги олийгоҳлар етарли даромад топапти. Аммо қишлоқ ҳўжалиги, ветеринария, муҳандислик, аниқ ва табиий фанлар йўналишларидаги айрим олийгоҳлар ҳали ҳам даромад манбаларини кенгайтира олмапти ва ёшлар учун унчалик жозибадор эмас.

Президентимиз йиғилишда **“тармоқ — корхона — олийгоҳ”** занжирини жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Ҳозир 25 та муҳандислик олийгоҳи ҳамкор корхоналарда 438 та кафедра очган. Йиғилишда Янги Ўзбекистон университети модели асосида олийгоҳлар фаолиятини баҳолашнинг янги тизими жорий этилиши маълум қилинди. Эндиликда молиялаштириш олийгоҳ тўплаган баллга қараб амалга оширилади: битирувчилар бандлиги — 40 балл; илмий тадқиқотлар бўйича тармоқ буюртмаси ва махсулот сотиш — 30 балл; илмий салоҳият, халқаро мақолалар — 20 балл; маҳалла ва хорижий грантлар — 10 баллгача.

Шунингдек, ижтимоий йўналишдаги олийгоҳлар (Маданият ва санъат институти, Консерватория) ҳамда техника йўналишидаги амалий олийгоҳларни бир хил мезонлар асосида баҳолаб бўлмаслиги таъкидланди. Шу боис рейтинг мезонларини ишлаб чиқишда тармоқ хусусиятлари инобатга олинади.

Ректорлар мактаби ва халқаро тажриба

Эндиликда Янги Ўзбекистон университети негизида Ректорлар мактаби ташкил этилиб, ректор ва проректорликка номзодлар мақсадли тайёрланади. Энг яхши кўрсаткичга эга бўлганлар малака ошириш учун Гарвард университетига юборилади. Бундан бўён барча олийгоҳлар ташкилий ва академик мустақилликка эга бўлади — ректор ўринбосарларини ўзи тайинлайди, ҳар бир номзод олийгоҳ кенгашида йиллик дастурини ҳимоя қилади, профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимлари



штатини ўзи тақсимлайди, “супер шартнома” миқдорини табақалаштирилган тартибда белгилаш ваколатига эга бўлади. Президент битирувчиларнинг ўзини ўзи банд қилганларини иш билан таъминлаган деб ҳисоблаш амалиётидан воз кечиш зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлади. Энди олийгоҳ рейтингни реал ишга жойлашган битирувчилар сонига қараб баҳоланади. Конфуций “Келажакни бир йилга режалаштирсанг — дон эк, ўн йилга режалаштирсанг — дарахт эк, юз йилга режалаштирсанг — одам тарбия қил” деган. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар самараси асрий ривожланишларни назарда тутди.

Олий таълим: кеча ва бугун

Юртимизда олий таълим тизими мустақиллиқнинг дастлабки йилларида, асосан, эски қўлмилар асосида ишларди. Қабул квоталари жуда кам — йилига 60 — 70 минг талаба билан чекланган, аҳолининг атиги 9-10 фоизи олий маълумот олиш имконига эга эди. Йўналишлар кўпроқ анъанавий — педагогика, тиббиёт, иқтисодиёт ва техника билан чегараланган, замонавий касблар эса деярли йўқ эди. Олий ўқув юртлири молиявий жиҳатдан мустақил эмас, барча қарорлар марказдан келар, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик эса формал тусда бўларди. Битирувчиларнинг кўпи иш топишда ўз кучи ёки танишбиллишига суянмишга мажбур эди. Бугун эса манзара бутунлай бошқача. Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар туфайли эндиликда йилига 280 мингдан ортиқ ёшлар талаба бўлиш имкониятига эга. STEM, робототехника, сунъий интеллект, энергетика каби замонавий йўналишлар очилди. Олий ўқув юртлирини молиялаштириш натижага боғланмоқда: битирувчилар бандлиги, илмий тадқиқотлар, халқаро мақолалар ва жалб қилинган грантлар бўйича олийгоҳлар рейтингни тузилади. Бу эса рақобатни кучайтириб, сифатли таълим беришга ундайди.

Самарали бошқарув ва янги ёндашувлар зарур

Ўзбекистон олий таълимида ривожланишнинг кейинги босқичида тизимни янада мукаммаллаштириш учун бир қатор концептуал

ёндашувлар, амалий ва қонунчиликка доир янги асослар зарур. **Биринчидан**, ҳуқуқий базани ягона стандартга келтириш ва Таълим кодекси зарурати: бугунги кунда олий таълим соҳасида ўнлаб қарор ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда бир-бирини такрорлайди ёки зид келиб қолмоқда. Натижада қайси ҳужжат амалда, қайси бири кучини йўқотганини аниқлаш қийинлашмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қароридaги баъзи бандлар янгиланмаган. Шу боис **Таълимни ривожлантиришнинг ягона миллий дастури ёки Таълим кодексини** ишлаб чиқиш ва жорий этишга эҳтиёж мавжуд. Бу академик жараён, илмий-инновация, халқаро ҳамкорлик, тарбиявий ишлар каби йўналишлардаги қарорларни ягона ҳуқуқий майдонга жамлаш имконини беради.

Иккинчидан, 12 йиллик мажбурий таълим — замон талаби: Ўзбекистон бугунги кунда мактабгача таълимнинг охириги йилини биринчи синф сифатида қабул қилмоқда. Бу эса 12 йиллик мажбурий таълим концепциясини тўлиқ акс эттирмайди. БМТ маълумотларига кўра, Шимолий Европа мамлакатларида 13 йиллик мажбурий таълим жорий қилинган ва у инсон тараққиёти индексида юқори натижалар бермоқда. Агар 12 йиллик умумий мажбурий таълим тўлиқ жорий қилинса: — бакалавриятнинг кўплаб йўналишлари 3 йиллик форматга ўтиши мумкин; — таълим тизимидаги узвийлик таъминланади; — халқаро диплом тан олинishi бўйича ноаниқликлар бартараф этилади.

Учинчидан, хусусий таълим секторига стратегик ёндашув: хусусий сектор бугунги кунда ЯИМнинг 80 фоизини ташкил этмоқда ва олий таълимда ҳам катта салмоққа эга. Аммо айрим камчиликлар сабаб бутун сектор обрўсига путур етказиш ҳолатлари мавжуд. Шунинг учун: — part-time ва масофавий таълимнинг ҳуқуқий асосларини тезкор ишлаб чиқиш; — ҳамма учун ягона шаффоф лицензиялаш тартибини жорий этиш; — давлат ва хусусий ОТМ ўртасида соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш зарур.

Тўртинчидан, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш: хозирги тартибда янги бино ёки йўналиш очиш учун бир нечта идорадан такор-такор розилик олиш талаб этилади. Бу халқаро нормаларга зид бўлиши мумкин. Лицензия олиш платформасини техник ва ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириб, ортиқча бюрократик босқичларни қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, таълим дастурларини меҳнат бозори билан уйғунлаштириш: меҳнат бозори эҳтиёжларига мослашмаган ўқув режалари битирувчилар бандлигига

салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис: — “ТОП — 300” ва “ТОП — 500” халқаро рейтинглардаги университетлар тажрибасига асосланган дастурлар ишлаб чиқиш; — ОТМ — илм-фан — ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш; — талабаларнинг амалиёт ва менторлик тизимини йўлга қўйиш зарур. **Олтинчидан**, талабалар турар-жойлари — долзарб муаммо: Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда талабалар ётоқхоналари етарли эмас. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида: — хусусий ОТМга талабалар тураржойлари куриш учун ер ажратиш; — бўш турган давлат биноларини таълим муассасаларига бериш орқали муаммони тез ҳал этиш мумкин.

Еттинчидан, талабалар кооперативлари — ёшлар бандлиги ва даромади учун янги модель: Халқаро Нордик университети тажрибасига кўра, талабаларни ёзги таътил даврида чет элда ишлашга юбориш орқали нафақат амалий тажриба, балки салмоқли даромад ҳам таъминланади. Агар талабалар кооперативлари ташкил этилса: — талабалар ўз маблағларини қўпайтириш имконига эга бўлади; — кооператив капитални йилдан-йилга ортади; — кам таъминланган ёшларни қўллаб-қувватлаш механизми кучаяди.

Саккизинчидан, ахборот тизимларини модернизация қилиш: давлат ОТМда “УзАСБО”, “HEMIS” каби платформалар интеграциялашган бўлса-да, хусусий ОТМ бундай имкониятдан маҳрум. Бу эса ҳисобот ва статистика шаффофлигига салбий таъсир қилади. Шу боис:

— хусусий сектор учун ҳам ягона молиявий ва академик ҳисоб тизимини яратиш; — “HEMIS” платформасида гуруҳлар кесимида тезкор ишлаш, сунъий интеллект асосида маълумотларни қайта ишлаш имкониятларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим тизимини ривожлантиришда ҳуқуқий аниқлик, халқаро тажрибага асосланган ўқув дастурлари, хусусий сектор билан соғлом ҳамкорлик, талабалар турмуш шароитларини яхшилаш ва рақамли бошқарув тизимларини модернизация қилиш устувор йўналиш бўлиши керак. Бу нафақат таълим сифатини оширади, балки мамлакатнинг глобал рейтинглардаги ўрнини ҳам мустаҳкамлайди.

Халқ мақолида айтилганидек: “Илм-ҳунарсиз киши — қанотсиз куш”. Бугунги олий таълим ислохотлари айнан шу қанотларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ҳаётийлик касб этади.

Шероҳ МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, профессор.



Нобель тинчлик кўмитасига йўлланган мактуб

Камбоджа матбуот агентлигининг хабар қилишича, 7 август куни мамлакат Бош вазири Хун Манет Нобель тинчлик кўмитасига мактуб йўллади. Унда жумладан, “Мен Камбоджа Қироллиги бош вазири сифатида Америка Қўшма Штатларининг 45 ва 47-Президенти хурмати Дональд Трампни дунёда тинчликни илгари суришга қўшган тарихий ҳиссасини эътироф этган ҳолда, тинчлик бўйича Нобель мукофотига расман номзод қилиб кўрсатиш шарофига муассарман” дейилади. Бош вазир Д. Трампни “фавқуллода сиёсий донолиги” учун мактади ва унга Камбоджанинг Таиланд билан можаросини ҳал этишда воситачилик қилгани учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, у АКШ Президенти “дунёнинг баъзи энг беқарор минтакаларида кескинликни камайтириш бўйича фавқуллода ютуқларга эришгани”ни таъкидлаган.

Қўнчиқар мамлакатда аҳоли камаймоқда

Япония ҳукумати 2024 йилда аҳоли сони рекорд даражада пасайганини билдирди. Бир йилда 900 минг кишига камайган. Эслатиб ўтамиз, 2009 йилда мамлакат 126,6 миллионлик нуфусга эга эди. Ўшандан бери аҳоли сони йил сайин камайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, 2026 йилга бориб Японияда яшовчилар сони 120 миллиондан кам бўлади.

Эълон қилинган ҳужжатда Японияда 3 млн. 700 минг хорижий истиқомат қилаётгани, уларнинг 20 фоизи Токиодо экани айтилган. Шу боис Япония ҳукумати демографик таназзулга қарши чора-тадбирларни кучайтирмоқда. Масалан, 2024 йилда оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 5,3 трлн. иена (тахминан 34 млрд. доллар) ажратилган. Шунингдек, ҳукумат иш ҳафтасини тўрт кунга қисқартириш ва ота-оналар учун янги имтиёзлар жорий этиш имкониятларини ҳам кўриб чиқмоқда.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги қонун

Қирғизистон Президенти матбуот хизматининг хабар беришича, янги қонуннинг асосий мақсади — мамлакатда мустақил, рақобатбардош ва масъулиятли оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолият юритиши учун ҳуқуқий шароит яратишдир. Қонунга кўра, ОАВ адиля органларида рўйхатдан ўтганидан кейин расмий фаолиятини бошлайди ва ахборот тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади. Унда нафақат анъанавий, балки интернет платформалари, сайтлар ва блоглар ҳам рўйхатдан ўтказилиши кераклиги айтилади. Уларнинг фаолияти фақат таъсисчи ёки суд қарори билан вақтинча ёки бутунлай тугатилиши мумкин. Шунингдек, қонунда журналистларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ муҳим қоидалар — уларнинг қандай ишлаши, ҳуқуқлари, мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Цензура, янги давлат ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан ОАВ ишига аралашиш қатъиян тақиқланади. Ҳар қандай расмий аралашув ёки босим қонунчи хисобланади. Айна пайтда қонунда бир муҳим чеклов ҳам бор: хорижий фуқаролар ёки компаниялар Қирғизистондаги ОАВда 35 фоиздан ортиқ улушга эга бўлолмайди. Бу чора мамлакат ахборот маконини четки таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган.

Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги барқарор

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти томонидан эълон қилинган ҳисоботда таъкидланишича, сўнгги 20 йилда Марказий Осиёда тўйиб овқатланмаслик даражаси 13,1 фоиздан 2,8 фоизгача пасайиб, беш барабардан кўпроққа камайган. Ҳисоботда айтилишича, очликни камайтиришдаги энг юқори суръатлар 2019 йилгача кузатилган, бироқ бу прогресс “COVID-19” пандемияси сабабли тўхтаган. Озиқ-овқат хавфсизлиги сиёсати ва иқтисодий тикланиш туфайли минтақа яна ижобий динамикага қайта олган. Умумий контекстга нисбатан Марказий Осиё барқарор натижаларни кўрсатмоқда. Минтақада охириги 12 йил ичида болалар орасидаги доимий тўйиб овқатланмаслик шакллари ҳам сезиларли даражада камайган.

Йирик лойиҳа амалга оширилади

Италияда Сицилия оролини Калабрия вилояти билан боғлайдиган осма кўприк қурилади. Дунёдаги энг узун бўлиши қутилаётган иншоот лойиҳасининг қиймати 13,5 млрд. еврога баҳоланган. Кўприк Урта Ер денгизидagi энг сейсмик фаол ҳудудлардан бирида қурилади. Бош вазир Жоржа Мелони лойиҳани “Италиянинг бугуни ва келажаги учун сармоя” деб атади. Лойиҳага кўра, Мессина бўғози устида 400 метр баландликдаги иккита устун орасида жойлашадиган кўприк 3,3 километр бўлади. Кўприк ўртасидан иккита темир йўл линияси ўтади, ён томонларида эса автомобиль йўлаги бўлади. Транспорт вазири Маттео Салвинининг айтишича, иншоот 2032-2033 йилларда қуриб битказилади. Лойиҳа йилига 120 мингта иш ўрни яратида ва иқтисодий ўсишга туртки бўлади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ «Халқ сўзи» тайёрлади.

ЮРТ РАВНАҚИНИНГ ТАЯНЧИ



Кувонарлиси, Янги Ўзбекистон бош меъморининг ташаббуси билан қурилиш индустриясига қаратилаётган эътибор туфайли соҳа ривожида тамомила янги давр бошланди. Мамлакатимизнинг шахару қишлоқлари, чин маънода, улкан қурилиш майдонига айланди. Ўзлаб уй-жойлар, кўплаб йирик саноат объектлари, замонавий йўл ва кўприklar, хатто номларига “city” ибораси қўшилаётган замонавий шахарчалар барпо этиляпти. Фидойи қурувчилар маҳоратли меъморларнинг, юксак салоҳиятли муҳандис лойиҳачиларнинг илму заковати туфайли миллий ҳамада замонавий архитектура қиёфасини ўзида мужассам этган муқташам иншоотлар юртимиз қиёфасига ўзгача қўрк ва тароват бағишляптир. Қурилиш соҳаси ходимлари тўлқинланиб

эътироф этаётганидек, уларнинг касб байрамлари истиқлол айёми олдидан нишонланиши замирида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Негаки, бунёдкорлар ушбу кутлуг санада галвирни сувдан кўтариб, ўтган даврдаги фаолиятини сарҳисоб қилиши эзгу аънаънага айланган. Шу маънода, қурувчилар байрамга янги меҳнат муваффақиятлари ила пeshовз чиқаяпти. Дарҳақиқат, охириги йилларда қурилиш индустрияси иқтисодиётнинг драйверларидан бирига айланиб, бунёдкорлик ишлари замонавий технологиялар, инновацион ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда. Пировардида сўнгги саккиз йилда қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ошди. Эътибор қилинг, 2016 йилда 30 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлса, бу

кўрсаткич 2024 йилда қарийб 234 трлн. сўмликка етди. Жорий йилда бу борадаги натижалар янада яхшиланиб, 254 трлн. сўмликка етказилиши кутилмоқда. Бинобарин, Президентнинг 2025 йил 21 февралдаги тегishi Фармонига асосан, ҳудудларда 135 минг хонадонли уй-жойлар қурилиши, 56 та “Янги Ўзбекистон” массивида 28 219 та хонадондан иборат 543 та уй қурилиб фойдаланишга топширилиши, уй-жойга талаб юқори ҳудудларда эса яна 2 018 та уй (106 минг 781 хонадон) қурилиб, ўз эгаларига берилиши кўзда тутилгани, бу ҳазилакам иш эмас, албатта. 2025 йилнинг биринчи ярмида эса жами 137,5 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 10,7 фоизни ташкил этгани бунёдкорлик юмушларининг кўлами ой сайин кенгайиб бораётганидан далолат беради. Кейинги пайтда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳақида гап кетганда, пойтахтни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида бошланган улкан ташаббус — “Янги Тошкент” лойиҳасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айна пайтда мазкур лойиҳа доирасида ривожланган давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда 20 минг гектар майдонда 2 миллион аҳоли учун қулай инфра-тузилма яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи — 6 минг гектар майдонда 600 минг нафар аҳолига

мўлжалланган уй-жойлар қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Шунингдек, Янги Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, “Янги Ўзбекистон” университети, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, музей ва ихтисослаштирилган мактаб ҳамда мақом маркази, Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети, давлат хизматчилари учун тураржой мажмуалари каби йирик бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Албатта, бунёдкорлик ишларининг сифатли амалга оширилиши бевосита пухта ва мукаммал лойиҳага боғлиқ. Шу боис республикада фаолият юритаётган лойиҳа ташкилотлари сони 2 400 дан ошди. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 14 276 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олингани эътиборга молик. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қурилиш соҳасидаги ўзгаришларнинг туб моҳияти, аввало, аҳолини арзон ва сифатли уй-жойлар билан таъминлаш орқали юртдошларимизга муносиб яшаш шароитларини мўхайё этиш, жонажон Ватанимизнинг кўркам қиёфасини яратиш, десак, айни ҳақиқат. Тилагимиз юртимиздаги бино ва иншоотлар халқимиз гуруридек баланд, шахару қишлоқларимиз юртдошларимиз кўнглидaги обод бўлаверсин. Байрамнинг муборак бўлсин, азиз қурувчилар!

«Халқ сўзи».

ИНСТИТУЦИОНАЛ МУҲИТ — ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Янги Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти расмий ва норасмий институтлар фаолиятига, мамлакатда шаклланган институционал муҳитга узвий боғлиқ. Институтлар инсонлар онги, ақл-идроки, ҳаёт учун кураш зарурияти билан шаклланади, таъсир кучига эга бўлган ҳокимият ва одамларни ҳаракатга келтирувчи қоидалар сифатида намоён бўлади.

■ Нуқтаи назар



лигини оширишга кучли таъсир кўрсатмоқда ва бу янги Ўзбекистон тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хозирги кунда ушбу фаннинг назарий асослари унинг амалиёт билан биргаликда талаба ёшларимизга кенг ўргатилмоқда ва бу Президентимиз асослаган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича белгиланган 100 та мақсад ҳамда вазифани самарали ҳал этиш, институционал ислохотларни янада чуқурлаштириш, инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Макроиктисодий сиёсат ва прогнозлаштириш кафедраси ҳамда унинг Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар марказида 2009 йилдан хозиргача олий ўқув юртлари учун Институционал иқтисодиёт фани дарслиги ўзбек тилида 6 марта қайта нашр қилинган. Дарслик рус ва Лондонда алоҳида инглиз тилида чоп этилган. Унинг илмий йўналишлари бўйича 5 та услубий қўлланма, 7 та илмий монография, 6 та илмий оммабоп рисола, илмий журналларда 90 дан ортиқ (шундан “SCOPUS” журналларида 6 та) мақолалар чикарилган ва улар мамлакатимиз олий таълим ташкилотлари ўқув жараёнлари ривожига самарали ҳисса қўшмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Макроиктисодий сиёсат ва прогнозлаштириш кафедраси ҳамда Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази ушбу фандан кредит-модуль тизими асосида талабаларни ўқитиш, мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича услубий қўлланма

ишлаб чиққан. У “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қўйилган устувор топшириқларни бажариш орқали фанни талабалар мустақил ўзлаштиришига, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, қарорлар қабул қилиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Дарслик муаллифи таҳлилларига кўра мамлакатимизда ушбу фан давлат ва нодавлат олий иқтисодий таълим муассасаларида, хусусан, Тошкент шаҳрида ҳамда юртимиз ҳудудларида 40 дан ошiq олий таълим ташкилотларида ўқитилмоқда. Шу билан бирга, Институционал иқтисодиёт фанни нафақат олий иқтисодий таълим йўналишларида, балки барча давлат ва жамият бошқаруви тизимларидаги олий ҳамда ўрта таълим ўқув юртлари дас-

“**Мамлакатимизда инклюзив иқтисодий институтлар қонунчилигимизда, шунингдек, Конституциямизда ҳамда иқтисодиёт тармоқларида бошқаруви тартибга солувчи асосий механизм сифатида ривожланмоқда. Шу боис институтларнинг кадрлар тайёрлашдаги ролини янада ошириш ва унинг нормаларини кенг оммага етказиш жамиятимиз тараққиётини янада тезлаштиради.**”

турларида ҳам киритиш мумкин.

Мақжур фан дарслигининг предмети ва унинг мазмунини белгилувчи асосий институтлар турлари, формал ва ноформал нормалар Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг ривожланиб боришида, иқтисодиёт субъектлари фаолият юритишида бош ролини ўйнайди.

Муаллиф институтлар тушуначи хусусиятларини ҳисобга олиб уларни 9 та бир-бирига боғлиқ турга ажратган. Қоидаларга мувофиқ институт — бу ижтимоий тузилма бўлиб, ижтимоий муҳитга тегишлидир. Бу шуни англатадики, “институт” тушуначасининг белгиси кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқанинг мавжудлиги ҳисобланади. Шунингдек, институт — бу ташки (келиб чиқиши жиҳатдан ижтимоий) тартибга солувчи куч бўлиб, индивидлар танловини ва ҳўжалик юритишни чегаралайди. Институтлар тўғридан

тўғри таъсир қилувчи объектлар — иқтисодий агентларнинг индивидуал хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Институт индивидлар ўзаро алоқадорлигининг маълум бир таркибий тузилмасини яратди. Институт — бу таъсир қилувчи куч, назорат бўйича ҳаракат ёки ҳокимият. Бу реал хулқ-атвор (ўзини тута билишлик) ёки ҳаракатдаги қоидадир. Институт — бу ижтимоий тартибдир. Институт — бу ташкилот. Кишилар фаолиятини йўналтирувчи ва бўйсундирувчи ҳамда тенг тарзда ижтимоий хатти-ҳаракатларини таркиблаштирувчи омиллар ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, дарслик муаллифи иқтисодий тараққиқй етаётган давлатларни инклюзив институтлар ҳамда иқтисодий қолоқ бўлиб бораётган давлатларни эса экстратив институтлар доирасига киритган. Муаллиф таърифлашча, инклюзив иқтисодий институтлар — бу мамлакат иқтисодиётига ва унинг барқарор ривожига сармоя киритишга қаратилган институтлар бўлиб, улар инклюзив ўсишнинг афзалликларини кенгроқ эътироф этади. Экстратив институтлар эса озчиликни ташкил қилувчи ғуруҳ учун иқтисодиётдан кўпроқ фойда кўришга эътибор қаратади. Бундай жамиятда коррупция баланд, барқарорлик анча паст бўлиб, ижтимоий биргалик мавжуд бўлмайди. Шу боис биз Ўзбекистонда инклюзив (ҳар томонлама ривожланган) институтлар кўпайишига асосий эътиборни қаратамиз.

Шунингдек, дарсликда давлат ва жамият ривожланишида инклюзив институтлар, расмий ва норасмий институционал нормалар ролига, мулкчилик, шартномалар, трансакция ва трансакция харажатлари, “хуфйёна иқтисодиёт”, фирма, давлат, маҳалла ва уй ҳўжаликлари ривожланишининг институционал асосларига кенг ўрин берилган.

Таъкидлаш жоизки, дарсликда муаллиф катта статистик маълумотларни умумлаштирган ва бу Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида амалиётга қўллаб янги институтлар ва расмий нормалар киритилганини исботлайди. Жумладан, Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясига

Демак, университетда институционал ислохотларни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватловчи институционал иқтисодиёт илмий мактаби ва салоҳиятли тадқиқот маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Бу ёшларимизга сифатли таълим беришга, фан ва илмий фаолиятда узлуксиз иштирок этишга янада кенг йўл очаяпти.

Адҳам БЕКМУРОДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Боксчиларимиз чемпионлик учун курашмоқда

Таиландда ўтаётган бокс бўйича “U19” ва “U22” ёш тоифаларидаги Осиё чемпионатида ғолиблар аниқланмоқда. Хозирги кунга келиб катталар ўртасидаги боксчиларимизнинг 14 нафари (9 нафар йигит, 5 нафар қиз) финал йўлланмасини ҳал қилиб улғурди. Бу финалга йўлланма олган жамоалар орасида энг яхши кўрсаткич бўлиб турибди.

“U19” ёш тоифасидаги баҳслар ҳам мurosасиз давом этапти. Унда финал учун кечадиган қарама-қаршиликда 7 нафар боксчимиз рингга кўтарилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу ёш тоифасидаги қизларимизнинг 6 нафари чорак финалдан муваффақиятли ўтиб, олтин медаль учун курашмоқда.



Рақиблар маълум бўлди

Футбол бўйича ўсмир қизлар ўртасидаги Осиё кубоги саралаш босқичига қуръа ташланди.

Келгуси йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтадиган чемпионатга йўлланма олиш учун қитъамизнинг 27 та терма жамоаси ўзаро баҳс олиб боради. Таквимга кўра, Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси “G” гуруҳидан ўрин олиб, Хиндистон ва Қирғиз Республикаси вакилларига қарши баҳс юритадиган бўлди.

Саралаш учрашувлари 13 — 17 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

Барча ёш тоифаларида тенгсиз

Корея Республикасининг Гоесан шаҳрида кураш бўйича қитъа биринчилиги яқунланди. Халқро кураш ассоциацияси ва Осиё кураш конфедерацияси таквимидаги ушбу чемпионат уч тоифа — ўсмир, ёшлар ва катталар ўртасида ташкил этилди.



Ўсмир ва ёшлар ўртасидаги дастлабки баҳсларда қитъамизнинг 25 га яқин давлатларидан келган полвонлар қатнашди. Унда Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 36 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза — жами 39 та медаль билан мутлақ етакчилик қилди.

Катталар ўртасидаги Осиёнинг энг кучли полвонлари 16 та вазн тоифасида баҳслашди. Юртимиз спортчилари бу борада ҳам барчадан устун келди — 9 та олтин, 3 кумуш ва 2 та бронза.

Ўзбекистон вакили илк бор сёрфинг бўйича Осиё чемпионатида

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан хабар беришларича, шу кунларда Хиндистоннинг Махабалипурам шаҳрида сёрфинг (сув спорти) бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда.

19 мамлакатдан 100 нафардан зиёд спортчилар қатнашаётган мажкур мусобақада илк бор Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳам иштирок этапти. Аёллар ўртасидаги беллашуларда юртимиз шарафини 20 ёшли Майя Карл ҳимоя қилмоқда.

Маълумот учун, Майя Карл 2005 йилда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида туғилган. У бунгача Пуэрто-Рико терма жамоаси сафида фаолият юритиб келган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

■ Юртим жамоли



ТАРИХ ВА ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУН ҚАДАМЖО

Чилон — Шеробод тумани жануби-ғарбий қисмида, тоғ бағрида жойлашган гўзал қишлоқ. Чилондаги муҳим зиёрат жойларидан бири Ҳазрати имом Асқар Али зиёратгоҳи ҳисобланади. Ушбу зиёратгоҳ асрлар давомида маҳаллий аҳоли ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келадиган сайёҳлар учун муқаддас жойга айланган.

Ривоятларга кўра Ҳазрати имом Асқар Али ислом таълимотини кенг ёйишда фаол иштирок этган, ҳаётини маърифат ва эзгулик йўлига бағишлаган авлиёлардан бири бўлган.

Зиёратгоҳда ташриф буюрувчилар учун зарур шароитлар яратилган бўлиб, у диний ва маънавий тарбия ҳамда миллатимизнинг тарихий хотирасини асраб-авайлашда муҳим аҳамиятга эга.

Чилоннинг яна бир ўзига хослиги табиатнинг ўзи яратган ноёб мўъжизаси — чилонжийда дарактлари. Уларнинг

шакли ўзгача: дарактлар ерга эгилиб ўсади, баъзи ҳолларда шохлари ерга кириб, янги таналар ҳосил қилади. Бу табиий ҳолат ботаникада “вегетатив кўпайиш” деб аталади. Қизиги, барча чилонжийда дарактлари Ҳазрати имом Асқар Али зиёратгоҳи тарафга эгилган ҳолда ўсади.

— Чилон ҳудуди Сурхондарё вилоятидаги табиий ҳолати энг яхши сақланиб қолган, биохилмаҳилликка бой масканлардан бири ҳисобланади, — дейди Сурхон давлат қўриқхонаси директори ўрин-

босари Муҳиддин Маматқулов. — Бу ердаги чилонжийда дарактлари, саксовул, бодом ва арча каби ўсимликлар табиат-шунослар учун катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, ҳудудда турли қушлар, сут-эмизувчилар ва тоғларда яшайдиган судралиб юрувчи ҳайвонлар мавжуд. Бунда тоғли экотизимларни муҳофаза қилиш экологик барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис давлат ва жамоатчилик бу қадриятларни биргаликда асрашга масъулдир. Мамлакатимизнинг ноёб бойликларида бири саналадиган Чилоннинг тарихий зиёратгоҳлари ва табиати бутун юртимиз учун ифтихор манбаи ҳисобланади.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Мамлакатимизнинг қадимий Хива шаҳрида «Қовун сайли» фестивали бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.20 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6